

---

## 4-сектор раҳбари кам таъминланган аҳоли ҳонадонларига ташриф буюрди.

Қува туманидаги 4 та сектор раҳбарлари бошчилигида ҳудудларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролар билан жойига борган ҳолда ўтказилаётган “Сайёр қабул”лар давомида аҳоли муаммоларига ечим топилиб, мурожаатларнинг ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Қува тумани ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари Хайрулло Алижонов ҳомийлар билан биргаликда сектор ҳудудидаги кам таъминланган аҳоли ҳонадонларига ташриф буюриб уларнинг ҳолидан хабар олди.

Ҳонадон вакиллари билан суҳбатлашиб мавжуд муаммолари ўрганилди. Ҳонадон эгаларига озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

2022-03-05 09:38:28